

UDK 902

**Рўзиев Анвар Жуманазарович,
Доцент, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)**

Жиззах политехника институти

**Ruziev Anvar Jumanazarovich,
Docent, doctor of philosophy in Philosophy (PhD)**

Jizzakh Polytechnic Institute

**МАМЛАКАТИМИЗДА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ҲАМДА
ТАРИХИЙ ОНГНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ОМИЛЛАР**

Аннотация: мақолада мустақиллик йилларида миллий ўзликни англаш жараёнида амалга оширилган ислохотлар, уларнинг ҳуқуқий мезонлари ва бир қатор омиллари келтирилган.

Калит сўзлар: тарих, миллий ўзликни англаш, ёшлар, тарихий дунёқараш, маънавий таҳдид, миллий тараққиёт йўли, аждодлар мероси.

**FACTORS DEVELOPING NATIONAL IDENTITY AND
HISTORICAL CONSCIOUSNESS IN OUR COUNTRY**

Annotation: The article presents the reforms carried out in the process of national identity during the years of independence, their legal criteria and a number of factors.

Keywords: history, national identity awareness, youth, historical worldview, spiritual threat, national development path, ancestral heritage.

Борлиқдаги ҳар қандай ҳодиса, ҳоҳ у моддий бўлсин ҳоҳ маънавий, муайян омилларсиз юзага келмайди. Бу ҳар бир воқеа ва жараён ўз детерминантларига эга эканлигини англатади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда тарихий онг ҳамда тарихий дунёқараш ҳам ўз детерминантларига эга. Миллий ўзликни англаш ва тарихий онг ривожлантирувчи кучлар ҳақида гапирганда, аввало эҳтиёж ва мантафаатларга эътибор қаратмоқ керак. Инсон ҳаёт кечириши учун моддий эҳтиёжлар билан бирга маънавий эҳтиёжларини қондиришга

ҳаракат қилади. Моддий эҳтиёжлар инсоннинг мавжудлигини таъминласа, маънавий эҳтиёжлар эса унинг камолоти учун зарурдир. Америкалик машҳур олим А.Маслоу ўзининг «эҳтиёжлар пирамидаси» концепциясида маънавий эҳтиёжларни, хусусан ўз-ўзини ривожлантириш эҳтиёжини энг юқори, «олий тоифали» эҳтиёжлар сирасига киритади. Инсоннинг ўз-ўзини англаши, тарихий онг ва тарихий дунёқарашга эга бўлиши ҳам айнан мана шу эҳтиёж таъсирида юзага келувчи маънавий ҳодисадир. Зотан, инсоннинг бошқа мавжудотлардан ажратиб турувчи, уни маънавий руҳий мажудот эканлигини тасдиқловчи жиҳат ҳам ана шундадир. Бу нафақат индивидуал – шахсий ҳолат, балки ижтимоий жиҳатдан шартланган ҳодиса ҳамдир.

Миллий ўзликни англаш ва тарихий дунёқарашни шаклланиши стихияли даражада фақатгина эҳтиёжлардан келиб чиқувчи табиий интилиш, ҳаракат сифатида намоён бўлади. Бироқ, бу борадаги фаолият онгли ва тартибли йўлга қўйилмаганлиги боис, кўпинча самарасиз кечади ёки ташқи ғоявий аралашувлар натижасида сохта ва бузгунчи мазмунга эга бўлиб қолади. Масалан, тарихий нигилизм, аждодлар меросига нисбатан скептик кайфият, ўзга миллатларнинг тарихий лидерлик мақомига маҳлиё бўлиш, тарихий маргиналлик каби маънавий-руҳий ҳодисалар айни миллий ўзликни англаш ва тарихий дунёқарашнинг стихияли равишда шаклланишида кузатилувчи ҳолатлардир. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Миллий ўзликни англаш мураккаб жараён бўлиб, унда қатор омиллар: миллий ғоя, миллий маънавий қадриятлар, фан, адабиёт ва санъат, оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар ҳамда бошқа ижтимоий тузилмалар иштирок этади. Бу ўз навбатида тарихий онг ва тарихий дунёқарашни ривожлантириш ва трансперсоналлаштиришга хизмат қилади. Шу боисдан ҳам миллий ўзликни англаш жараёнида тарихий онг ва тарихий дунёқарашни ривожлантирувчи омиллар ҳамда воситаларни алоҳида кўриб чиқмоқ лозим. Миллий ғояни шакллантириш

борасида муайян камчиликлар ҳам кўзга ташланаётганлигини таъкидлашимиз керак. Чунончи, фалсафа фанлари доктори, профессор Н.Шермухаммедованинг тушунтиришича, «мустақиллик йилларида миллий ғояни шакллантиришда кўпгина ижобий ишлар қилинмоқда. Лекин, афсуски, қилинаётган ишлар ҳамма вақт ҳам самарали бўлаётгани йўқ. Шунинг учун ҳам халқимизнинг ўзига хос ва мос бўлган манфаатларини, қизиқишларини чуқурроқ ўрганиш зарур».

Тарихий дунёқарашни ривожлантиришда миллий маънавий қадриятларнинг ўрнини алоҳида эътироф этмоқ жоиз. Зеро, миллий ўзликни англаш ва тарихий дунёқарашни қарор топтиришда маънавий қадриятлар муҳим омил сифатида намоён бўлади. Миллий ўзликни англаш ва тарихий дунёқарашни ривожлантиришда миллий қадриятларнинг таъсирини янада кучайтириш ўз навбатида миллий маданият ва санъат соҳасини ривожлантиришни тақозо этади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ 4038-сонли Қарори ҳамда 2020 йил 26 майда «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ 6000-сонли Фармонининг қабул қилиниши айтиш мумкин бўлди.

Хусусан, мазкур Қарорда «тарихий ва маданий меросимизни сақлаш ҳамда уни ёш авлод тарбиясида кенг қўллаш; миллий ва умуминсоний қадриятларни ёшларимиз онгига сингдириш, этник маданий анъаналарни асраб-авайлаш ва шу асосда халқ ижодиётини қўллаб-қувватлаш» кабилар концепциянинг асосий вазифаларидан этиб белгиланган. Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тарихан яшаб келаётган миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида аҳамият берилиши шубҳасиз аҳолининг, айниқса ёшларнинг миллий ўзлигини англашига ва тарихий дунёқарашни ривожланишига

амалий жиҳатдан хизмат қилмоқда. Илмий адабиётларда санъат воқеликни образли тушуниш, ички ва ташқи дунёни бадиий-эстетик ифодалаш жараёни ва натижаси сифатида тушунилади. Бадиий адабиёт каби санъат ҳам воқеликка нисбатан субъектив-ижодий ёндашув, эмоционал жозибадорликни улашиш, ҳис-туйғу ва кечинмаларни қўзғатиш хусусиятига эга.

Санъатнинг тарихий дунёқарашни шакллантиришда муҳим роль ўйнайдиган турлари сирасига ҳайкалтарошлик, меъморчилик, тасвирий санъат, кино, мультфильм, кўшиқчилик кабиларни киритиш мумкин. Санъатнинг ушбу турлари ўзига хос тарзда шахсда тарихий дунёқарашни бойитишга хизмат қилади. Шу ўринда санъатнинг тарихни тушунишда, ҳис этишда герменевтик хусусиятга эга эканлигини таъкидлаш лозим. Унинг таъсири бир қарашда сезиларлидек туюлмаса-да, бироқ, инсонни секин-аста тарих оламига олиб киради, унда тарихий жараёнларни ҳис қилиш қобилиятини шакллантиради. Албатта, бу инсонга санъат орқали комплекс-системали таъсир кўрсатиш даражасига ҳам боғлиқдир.

Замонавий санъат турларидан бўлмиш кино санъатининг дунёқарашни, хусусан тарихий дунёқарашни шакллантиришдаги аҳамияти ҳозирги вақтда ниҳоятда юқоридир. Чунки, ҳозирги вақтда медиа маданияти инсонларни ўзига жалб этиш, аҳолини қамраб олиш жиҳатидан олдинги ўринга чиқиб олди. Илмий адабиётларда экран маданияти деб тилга олинувчи ушбу соҳада кино санъати шубҳасиз биринчи ўринда туради. Бу борада яратилаётган тарихий жанрдаги кино фильмларнинг сифат ва миқдор жиҳатдан тобора ўсиб бориши айна вақтда тарихий дунёқарашни ривожлантиришда беқиёс имкониятларни ҳада этади.

Баён этилганларга кўра, миллий ўзликни англаш ва тарихий дунёқарашнинг шаклланишида эҳтиёж ва манфаатлар муҳим ҳаракатлантирувчи куч сифатида намоён бўлади. Тарихни англашга бўлган ва ўз-ўзини ривожлантиришдан келиб чикувчи эҳтиёжлар бунда асосий

роль ўйнайди. Миллий ўзликни англаш жараёнида тарихий дунёқарашни қарор топтириш миллий ғоя ва маънавий қадриятлар билан самарали амалга оширилиши мумкин. Миллий ғоя тарихий дунёқараш учун ишонч эътиқодлар манбаи бўлса, миллий маънавий қадриятлар эса мотивацион куч сифатида таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шермухаммедова Н. Формирование идеологического иммунитета – главный фактор борьбы с чуждыми идеями и идеологиями // Миллий истиқлол ғояси ва армия. Ўзбекистон Республикаси Мудофа Вазирлиги. Республика илмий – амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2004. – Б.141.

2. Коллингвуд Р.Ж. Принципы искусства. Пер. с англ. А.Г.Раскина под ред. Е.И.Стафьевой. – М.: «Языки русской культуры», 1999. – С.18.

3. Ганиев К., Тугунбоев О., Ризаев И. И. Экологические проблемы современного общества и их решения // Наука и образование: актуальные вопросы теории и практики. – 2021. – С. 601-603.

4. Rizaev I. Synergetics in Social Systems and its Possibilities // Global Scientific Review. – 2022. – Т. 10. – С. 62-69.

5. Rizaev I. I. Liberalizacija-Osnova Samoorganizacii Social'noj Sistemy. Millij uksalish va? shlarning izhtimoij si? sij faolligini oshirishning dolzarb masalalari. – 2020.

6. Тураев Б. О. Онтология, гносеология, логика ва фан фалсафаси муаммолари // Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, Б. – 2015. – С. 48-49.

7. Усмонов Ф. Н. Основные этапы развития научной рациональности // Theoretical & Applied Science. – 2017. – №. 11. – С. 181-184.

8. Usmonov F. N. The place of rational and creative thought in turning the virtuality into reality // Paradigmata poznani. – 2014. – №. 2. – С. 31-33.